

Ishonch

2019 йил 20 апрель • шанба • № 51 (4180)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МУНОСАБАТЛАРИ АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин 18 апрель кўни давлат таширифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея географик жиҳатдан бир-биридан узоқ, лекин кўнгли яқин, тинчлик ва тараққиёт йўлида мақсади муштарак давлатлардир. Тарихдан маълумки, мамлакатларимиз Буюк ипак йўли даврларидан бошлаб ўзаро бори-келди қилган. Самарқанддаги «Афросиёб» музейида сақланаётган деворий суратларда VII аср ўрталарида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея – Чосон элчисини қабул қилиш маросими акс эттирилгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мамлакатларимиз вақт синовидан ўтган ишончли стратегик шериклардир. Олий даражадаги мулоқотлар ва муштарак иштироқлар самарасида мамлакатларимиз ҳамкорлиги барча йўналишларда изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-25 ноябрь кўнлари Корея Республикасига давлат таширифи ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Мазкур тарихий ташириф кўп қиррали алоқаларни ривожлантириш учун мустақам замин яратди. Ташириф доирасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 20 дан ортиқ битим, шунингдек, умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган 64 та ҳужжат имзоланди.



Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат таширифи Ўзбекистон – Жанубий Корея муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа сифатида мамлакатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Таширининг асосий воқеалари 19 апрель кўни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин тор доирада учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни қутлаб, бу узоқ кутилган ва муҳим ташириф эканини алоҳида таъкидлади.

– Жанубий Корея Ўзбекистоннинг ишончли ва устувор шериги. Мен 2017 йилги учрашувимизни мамнуният билан эсламан. Музокараларимиз самимий ва конструк-

тив руҳда ўтган, салмоқли ҳужжатлар имзоланган эди. Бу кейинги йиллардаги ҳамкорлик ривожига асос бўлди. Сизнинг ушбу таширфининг давлатлараро муносабатларимизга янги суръат бағишлайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Корея Республикаси Президенти таклиф учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон – Жанубий Корея муносабатлари ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик руҳида изчил ривожлантирилиши қайд этди.

– Ўзбекистон қадимий ва бой тарихга эга, Буюк ипак йўлининг маркази бўлган ўлка. Бугунги кунда мамлакатининг ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда. Ўзбекистонни Жанубий Кореянинг савдо ва инвестициявий алоқаларини фаоллаштиришга қаратилган «Янги шимол-шарқ» ида муҳим ўрин тутувчи шерик деб би-

лашим. Сизнинг Сеулга таширфининг чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклигини мустақамлашга эришган эдик. Бу сафар уни алоҳида стратегик даражага кўтариш ниятидамыз, – деди Мун Чжэ Ин.

Ўзбекистон кучли иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга Корея Республикаси билан ҳамкорлигини янада мустақамлашга стратегик масалалардан бири сифатида қарайди. 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

Мамлакатларимиз ўртасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 170 дан ортиқ ҳужжат қабул қилинган. Мазкур салмоқли ҳуқуқий база ўзаро ҳамкор-

лининг мустақам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация, 2017 йилда қабул қилинган Стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш тўғрисида Қўшма баёнот томонларнинг ҳамкорлига содиқлиги, дўстлиги ва ўзаро ишончидан далолатдир.

Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон Корея Республикасининг глобал хавфсизлигини таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга бўлган, Корея ярим оролидаги ўзаро ҳамжиҳатлигини мустақамлашга йўналтирилган тинчликсевар сиёсатини маъқуллайди.

Ўз навбатида, Корея Республикаси 2018 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлигини мустақамлаш» ҳамда «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияларини қўллаб-қувватлади.

Парламентлараро алоқалар, ҳукуматлар, вазирлик ва идораларнинг делегациялар алмашувлари фаоллашди, ташқи сиёсат идоралари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар механизми самарали тус олди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш, ўзаро манфаатли йўналишларни топиш, «соатларни солиштириб олиш» мақсадида сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашувларни фаол давом эттириш бўйича яқдил фикр билдирилди.

Эътироф

Ўзбекистон қадимий ва бой тарихга эга, Буюк ипак йўлининг маркази бўлган ўлка. Бугунги кунда мамлакатининг ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда. Ўзбекистонни Жанубий Кореянинг савдо ва инвестициявий алоқаларини фаоллаштиришга қаратилган «Янги шимол-шарқ» ида муҳим ўрин тутувчи шерик деб биламиз.

Мун Чжэ Ин,
Корея Республикаси
Президенти

КУН НАФАСИ

«Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

uz.uz

Давлатимиз раҳбари «2019-2021 йилларда Республика аҳолисига эндоқринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чеқди.

uz.uz

Жанубий Кореянинг «Booyoung Housing» компанияси Ўзбекистон таълим муассасаларига 2000 дона рақамли пианино совға қилди.

Мамлакатимиз раҳбари «2019-2021 йилларда Республика аҳолисига эндоқринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чеқди.

uz.uz

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (ФА) ва Корея Республикаси Маданий мерос бошқармаси ўртасида Ипак йўли маданий меросини тадқиқ этиш ва сақлашга доир Англашув меморандуми имзоланди.

academy.uz

Хукумат қарори билан шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

kun.uz

Шоличилик илмий-тадқиқот институти Хоразм филиалини ташкил этиш тўғрисидаги Хукумат қарори қабул қилинди.

«Хуқуқий ахборот» канали

Хукумат қарори билан хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш, кўп марталик кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

«Хуқуқий ахборот» канали

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

«Хуқуқий ахборот» канали

Франциянинг Рюэй-Мальмезон шаҳрида «Дўстлик» паркида Ўзбек боти ҳамда Буюк қомусий олим, тиббиёт илмининг сўлтони Абу Али ибн Сино шарофига ёдгорлик ҳайкали ўрнатилди.

Бухоро вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази, Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази, Ўруғчиликни ривожлантириш маркази, шунингдек, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфига берилди.

«Хуқуқий ахборот» канали

Венгриянинг KISS GROUP компаниялари гуруҳи вакиллари билан Жиззах вилоятида ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳақидаги қўшма лойиҳани амалга ошириш ва дастлаб – йилига 100 минг тонна нефт ишлаб чиқариш қувватига эга завод қурилиши бўйича келишувга эришилди.

gazeta.uz

1 майдан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Тошкент-Жакарта-Тошкент» йўналиши бўйича доимий рейсларни амалга оширади.

uz.uz

Сурхондарё вилоятида 16 апрелда бошланган Ўзбекистон Куролли Кучлари куч тузилмаларининг ҳамкорликдаги қўмондонлик-штаб машғулотининг якуний – асосий босқичи бўлиб ўтди.

kun.uz

Жиззах вилояти

Бор бўл, оқибат!

Суронкали дардга чалинган одам даволанишга имконияти бўлмаса, дардини кимга айтсин? Нураган, зах босган, абгор аҳволдаги уй-жойини таъмирлаш у ёқда турсин, оқаллаб қўйишга ҳам қўли калтали қиладиган кишига ким қўмак беради? Узоқ йиллардан бери ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа кўчиб, ижарада турадиганларнинг бошпанали бўлиш орзуси қачон рўёбга чиқади?

Бирдамлик қудрати

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қийналиб юрган кўпчилик юртдошларимизнинг ташвишли уй-ҳаёллардан қутулиб, ҳаёт лаззатларига ошно туғилишига сабабчи бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, – дейди Жиззах вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нусратилла Пардаев. – Вилояти-

мизда ҳудудий манзилли дастур асосида 2017 ва 2018 йиллар мо-байнида 68 та оила янги уй-жойлар билан таъминланди, 445 та оиланинг хонадонни таъмирлаб берилди. Турли дардларга чалинган 150 нафар эҳтиёжманд фуқароларга тиббий хизмат кўрсати-лишига қўмаклашилди. Бундан ташқари, 2800 та оилага маиший техника воситалари олиб бе-рилди. Бир қарашда оддийдек ту-юлган бу рақамлар замирида қан-чадан қанча юртдошларимизнинг қувончи-ю шодлиги, қарор ижросига масъул инсонларнинг сатъ-ҳаракати, меҳнати ётибди.

2

Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳаётбахш ислохотлар самараси


Мўйноқ мўъжизалари

Бир пайтлар Мўйноқ туманида 100 мингдан кўпроқ аҳоли яшарди. Бугун эса 31 минг киши истиқомат қилади, холос.

Ҳап нима хусусида бораётганини билгандирсиз... Ҳа, Орол ҳақида... Қуриган, чекинган Орол денгизи ҳақида...

Аммо кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Мўйноққа, Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этишга қаратилган эътибор натижасида бу ерларга ҳам ҳаёт қайтмоқда, туманга кўчиб келаётганлар ва келиш истагини билдираётганлар сони ортиб бораётгани ҳам бор гап.

Худудда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик юмушлари, ишбилармонларга яратиб берилаётган қулай муҳит барча-барчани



ўзига чорламоқда. Бугун туман марказида қад ростлаётган кўп қаватли замонавий уйлар, маданий-маиший объектлар, стадион ва очиқ театрларнинг барчаси туман аҳлига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Яқинда Мўйноқ туманида ўтказилган Халқаро Пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида иштирок этиб, худудда амалга оширилаётган ишлар билан яна бир бор танишдик.

2

«1 Дарҳақиқат, мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ғаллаорол туманида амалга оширилган ишлар билан танишиб, шунга амин бўлдики, одамлар уларга қаратилаётган эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрликдан беҳад мамнун.

Илгари «Кўкбулоқ» ҚФЙ ҳудудига яшаган Абдурасул Ёқубовнинг туппа-тузук ҳовли-жойи бор эди. Аммо, афсуски, унинг уйи термитлар «хужуми»дан буткул ярқисиз ҳолатга келди. Ночор аҳволда қолган оила кўчада қолмади. Кўрсатилган ёрдам натижасида эндиликда бу оила Ғаллаорол шаҳарчаси, «Бахт» маҳалласида жойлашган уч хонали уйда истиқомат қилмоқда.

– Уйимиз термитлар дастидан яшаб бўлмайдиган даражага келгач, «энди нима қиламиз?» деб хавотирланиб юрган эдик, – дейди Бухол Ёқубова. – Худога шукур, ташвишларимиз тезда ариди. Бизга барча шароитларга эга уч хонали уй олиб беришди. Бундан беҳад миннатдоримиз. Ҳаммага раҳмат.

Бирдамлик қудрати

Иккинчи гуруҳ ногиронлари Янгибой Жалолов ва Фарида Ниёзулова саккиз йилдан бери ижарада яшаб келишар, уларнинг икки нафар фарзанди «кўч-кўч»лар ичида катта бўлаётган эди.

– Икки хонали уйли бўлганимизга ҳалиям ишонгим келмайди, – дейди Фарида Ниёзулова. – Бир вақтлар бир километр масофадан сув ташиб ичганимиз. У кунларни эсласам, йиғлагим келади. Мана шу чиройли, янги уйга 26 декабрь куни кўчиб кирдик. Янги йилни бир дунё хурсандчилик билан шу уйда кўтиб олдик. Бизга кир машина ва чангютич ҳам совға қилишди. Барака топишсин. Бизга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун Президентимизга мингдан-миг раҳмат.

Турмуш ўртоғини йўқотган Нозиғул Рустамова салкам 20 йилдан бери тўрт нафар фарзанди билан акиси Амир Қодировнинг қарамоғида яшаб келган. У шу пайтгача фақат аксидан миннатдор эди. Энди эса...

– Айбга буюрмайсизлар, икки хонали уйга шу бугун кўчиб келдик. Ҳали тўлиқ жойлашиб улгурмадик. Жудаям хурсандман, – дейди ҳаяжонлиб Нозиғул Рустамова. – Шу кунларга етказганига шукур, Президентимиз бахтимизга соғ-омон бўлсин!

Бу ҳаётнинг синовлари кўп. Ёўдинлик Абдуқодир Жўлбековнинг бошига бирин-кетин кўнгилсизликлар ёғила бошлади: аввал ўғли оёғидан операция қилинди, сўнг аёли Мархабо оғир дардга чалиниб, тўлиқ ҳаракатлана олмади қолди. Буюм етмагандай, томи ёпилмаган уйига қор-ёмғир, шамол ўз таъсирини кўрсатди.

– Бу оиланинг бошига оғир ташвишлар тушиб, жуда қийналиб қолган экан, – дейди Агрисаноат мажмуи ходимлари Ғаллаорол



тумани касаба уюшмаси кенгаши раиси Сожида Эшонқулова. – Ҳозирда бу оила барча шароитларга эга янги икки хонали уйда умргузаронлик қилмоқда.

Кенгаш раисининг таъкидлашича, 2017-2018 йилларда Ғаллаорол туманида 35 та хонадон таъмирланган. 236 та оилага қарийб 245 миллион сўмлик маиший техника воситалари олиб берилган. Турли дардларга чалинган, шароити оғир 12 нафар фуқарога 33 миллион сўмлик тиббий хизмат кўрсатилган. Бошпаналар муҳтож 7 та оила уй-жой билан таъминланган.

Одамлар орасида шундай кишилар борки, улар эътибор ва ғамхўрликка муҳтож. Бугун эҳтиёжмандлар, имконияти чекланганлар ҳолидан давлат хабар оляпти. Бу эса юртдошларимиз қалбидан миннатдорлик ҳиссини янада кучайтириб, уларни Ватан тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги улкан мақсад ва вазифаларни амалга оширишда жипслаштирмоқда.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»

«1 Қорақалпоғистон Республикаси ва Оролбўйи туманлари раҳбарлари, вазириликлар ҳамда манфаатдор ташкилотларнинг мутасадди вакиллари, шунингдек, ҳудудда амалга оширилаётган ишларнинг қаҳрамонлари, кенг жамоатчилик вакиллари, санъаткор ва шоирлар иштирок этган тадбир эзгулик фестивалига айланиб кетди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи давомида Мўйноқ тумани аҳолиси билан ҳам учрашган эди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ернйазов. – Бўйиб ўтган мулоқотларда денгиз ичкарисида ва туман ҳудудида амалга оширилаётган юмушлар борасида мулоҳаза юритилди. Ўтган 4-5 ой ичида бажарилган ишлар қўлаидан эса халқимиз ҳам рози, ҳам мамнун бўлиб яшамоқда.

Мўйноқда янги балиқ консерва заводининг қурилиш ишлари тугалланди. Корхонага керакли жиҳозлар Россия давлатидан олиб келинса, консерва учун хомашё туман ҳудудидаги қўллардан овланиши режа-

Ҳикмат

Янги фазилят ёлғиз бўлмайди. Албатта, унинг қўшини ҳам бўлади.
Конфуций

ЎЗБЕКИСТОН ВА МУНОСАБАТЛАРИ АЛОҲИДА ДАРАЖАСИГА



«1 Икки мамлакат ҳамкорлиги, халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Савдо-иқтисодий алоқалардаги ўсиш суръатлари ижобий баҳоланиб, уни янада ошириш учун имкониятлар кўпчилиги қайд этилди. Шу мақсадда ҳуқуқий ва институционал инфратузилмани такомиллаштириш, турли даражадаги ташрифлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги учрашувларни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳамкорлиги деярли барча жабҳаларни қамраб олган. Савдо соҳасида энг кўп қўлайлик тартиби ўрнатилган. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Жорий йил 4 мартда Тошкентда унинг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. 2018 йилда иқтисодий масалалар бўйича Бош вазир ўринбосарлари мажлиси формати ҳам йўлга қўйилди.

Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистонда жанубий корейлик инвесторлар иштирокида тузилган 660 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 354 таси тўлиқ хорижий сармоя ҳисобидан ташкил қилинган. Бу икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида савдо-инвестициявий ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан дарак беради.

Юртимизда ушбу мамлакатнинг 75 та компанияси рўйхатдан ўтган. 2018 йилда Инчхон шаҳрида «Ўзбекистон – Корея савдо уйи» очилди. У Ўзбекистоннинг дунё стандартларига мос маҳсулотларини Жанубий Корея бозорига етказиб беришда муҳим роль ўйнамоқда.

Жанубий Корея Ўзбекистонда иқтисодийни либераллаштириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни олқишлади. Бу мамлакатимизга инвестициялар ва юқори технологиялар келишини кўпайтириб, қўшимча қийматли-маҳсулотлар ишлаб чиқариш, доимий иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон энергетика, нефть-газ, кимё, кончилик, транспорт ва логистика соҳаларида ҳамкорлиқни кенгайтириш, машинасозлик, электр техникаси, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, инфратузилмани ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканини қайд этди. Жанубий Корея компаниялари мамлакатимизда ўзаларини эркин ва қўлай ҳис қилишлари учун ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини алоҳида таъкидлади.

Музокарада мазкур соҳалардаги янги имкониятлар, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича таклифлар қўриб чиқилди. Иқтисодийнинг етакчи тармоқлари, мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар

ва кичик саноат зоналарида корхоналар ташкил этиш, «электрон ҳукумат»ни ривожлантириш, инновацион ва ижтимоий соҳалар бўйича кадрлар тайёрлашни давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ахборот технологиялари, рақамли тиббиёт, таълим, маданият соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимизнинг мактабгача таълим тизимида Жанубий Корея тажрибаси кенг жорий этилмоқда.

Ўзбек ва корейс халқларининг дунёқараши ва урф-одатлари ўхшаш. Мамлакатларимиз энг қийин даврларда бир-бирини қўлаган. Бугун Ўзбекистонда яшаётган 180 мингдан зиёд корейс диаспораси кўп миллатли жамиятимизнинг ажралмас қисмига айланган. Корейс маданият марказлари уюшмаси, виллоятларда унинг бў-

лий-тадқиқот муассасаси билан ҳамкорлик ўрнатган. Пойтахтимизда Корея Республикасининг тўртта университети филиали очилган.

Тиббиёт соҳаси ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан. Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг молиявий-техник кўмағида ўзбекистонлик мутахассислар Жанубий Кореядаги етакчи клиника ва марказларда малака оширмоқда, корейлик шифокорлар томонидан мамлакатимиз аҳолиси бегараз асосда тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мазкур соҳалардаги ҳамкорлиқни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Жанубий Корея Президенти илғор тажрибалардан фойдаланиш ва кадрлар малакасини оширишга ҳисса қўшишга тайёр эканини билдирди.



линалари фаолият юритмоқда. Уюшма юртимизда ва хорижда корейс тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

2017 йили Ўзбекистонда корейс миллати вакиллари яшаётганининг 80 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги «Дўстлик» боғида ёдгорлик монументи очилди. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига Сеул номи берилди. Корейс халқининг маънавий-маданий меросини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида Корея Республикаси ҳукумати томонидан Тошкент шаҳрида Корея маданияти уйи қуриб битказилди. Ушбу маскан халқларимиз абадий дўстлигининг яна бир ёрқин тимсоли бўлади.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари Жанубий Кореядаги 45 дан ортқ ил-

Самарали музокарадан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолади.

Ҳукумат ва вазириликлар ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш, эркин савдо битими тузишни ўрганиш, тинч мақсадда фазони тадқиқ этиш, фан, технология ва инновациялар соҳасида ҳамкорлик, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Корея марказини ташкил этишга оид ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ташриф доирасида мактабгача таълим, меҳнат ва бандлик, адлия, қишлоқ ҳўжалиги, капитал бозорини ривожлан-

Мўйноқ мўъжизалари



лаштирилмоқда. Туман марказида бунёд этилаётган уйларида куз фаслининг дастлабки ойларида 580-600 хонадон ҳовли тўйларини ўтказди. Туманда барпо этилган туз корхонаси, тикув фабрикаси, асфальт за-

води ва кўплаб кичик корхоналар мўйноқликларни иш билан таъминлаб, бандликка кўмаклашмоқда.

Ўтган даврда денгизнинг қуриган қисмидаги 1 миллион гектардан кўпроқ майдон экишга тайёрланиб, қарийб 500 минг гектарга яқин ерда саксовул қадалди.

– Дастлаб экилган майдонларда уруғлар униб чиқди, – дейди қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, академик Зиновий Новицкий. – Митти кўчатлар ҳаёт сари интилиб, секин-асталик би-

лан бўй чўзмоқда. Мухтасар айтганда, Оролқумда мўъжиза пайдо бўлаётди.

Уйдан олисда, Мўйноқдан 150-200 километр ичкарида меҳнат қилаётган мард юртдошларимиз кўрсатаётган қаҳрамонликлари Катта Фарғона канали қазилиши давридаги боболаримиз жасоратига қиёсланаётгани ҳам бежиз эмас.

Орол тубидан сув қўзларини очишда гидрогеологларнинг мардонавор хизматлари таҳсинга, айникса, лойик. Шу кунга қадар кашф этилган ўнлаб қудуқлардан чиқаётган обиҳаёт, бийдай чўлга жон ато этаётгандек.

Мўйноқлик китобсеварларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида туман аҳолиси учун Тошкентдан катта қўламдаги китоблар жамланмаса келтирилди.

– Мўйноққа 1989 йили келган эдим, – дейди Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим. – Ўша пайтлари Сибир сувларини денгизга олиб келиш борасида гап-сўзлар бошланиб кетган эди. Аммо улар ўз холича қолиб кетди... Бугун эса экилган саксовулларнинг кўкарганини кўриб, хурсандлигимни яширолмаяпман.

– Ўтган асрнинг 70 йилларида чекина бошлаган денгиз ўз қирғоғи-

дан юзлаб километр олислаб кетди, – дейди Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбой Каримов. – Аммо бугун давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан экологик фожиага юз тутган Орол



бўйида афсонавий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Бугун Мўйноқ мўъжизалар диёрига айланаётди.

– Туманда 3-4 ой ичида амалга оширилган ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушдим, – дейди Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

қўшни давлатлар олимлари билан ҳамкорликда ишлаш тақлифи кириптилиб, келиб тушган мурожаатларга жавоблар ҳам берилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«ISHONCH»

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК КЎТАРИЛДИ

тириш, кичик ва ўрта бизнес, ўсимликлар карантини соҳаларида, шунингдек, мамлакатларимиз савдо-саноат палаталари ўртасида икки томонлама қатор ҳужжатлар имзолангани қайд этилди.

Оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган брифингда Президентлар аънавий дўстлик, очкилик ва ўзаро англашув руҳида кечган музокаралар натижаларидан мамнунлигини алоҳида таъкидлади.

Мулоқотларимиз Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги халқларимизнинг узоқ мuddатли манфаатларига тўла мослигини, халқаро ва минтақавий муаммолар, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари бўйича позицияларимиз яқин эканини намойиш этди. Бугун имзоланган Алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқичга кўтарилганини кўрсатади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Дунёнинг диққат марказида бўлиб келаётган Ўзбекистон Президентига чуқур ҳурматини билдираман. Шавкат Мирзиёев ҳамма соҳалардаги — сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаётга доир ислохотлари билан Ўзбекистонни янги тараққиёт босқичи сари етакламоқда. Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтардик. Уни ҳаётта татбиқ этиш механизмлари, ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг янги йўналишларини муҳокама қилиб, истиқболли келишувларга эришдик, — деди Мун Чжэ Ин.

Куннинг иккинчи ярмида Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташриф буюриши

публикаси Президенти Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюриб, мамлакатимиз парламенти аъзолари олдига нутқ сўзлади.

Корея Республикаси раҳбари Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонида ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форумининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

Форумда икки мамлакат иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари, етакчи ишбилармонлари, хусусан, Корея Республикасининг 150 та компания ва ташкилотидан 350 дан ортиқ вакил қатнашди.

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги Жанубий Корея инвестицияларининг умумий ҳажми 7 миллиард доллардан ошган. Корея миллий нефть корпорацияси, Эксимбанки, «Kogas», «Lotte group», «Samsung», «Hyundai», «Shindong resources» ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари юртимизда йirik инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Кўксаройда ўтган музокарада ишбилармонлик алоқаларини кўллаб-қувватлаш, айниқса, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

— Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришлар ул-



кан ҳоя ва лойиҳаларни ҳаётга дадил жорий этиш учун кенг имкониятлар очмоқда. Ўтган йили мамлакатимизда янги қўшма корхоналар сони 3 баробар кўпайди. Биз бундан буён ҳам Корея бизнесининг мамлакатимиздаги иштирокини кенгайтириш учун энг қулай шароитларни яратишга тайёرمىз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Корея Республикаси Президенти Ўзбекистон азалдан савдо, илм-фан, маданият маркази бўлгани, бугунги кунда ҳам бизнес учун кенг имкониятлар очилаётганини қайд этди. Жанубий Корея Ўзбекистондаги инвестициявий лойиҳаларни кўллаб-қувватлаш, илғор тажрибалар билан ўртоқлашишга тайёр эканини билдирди.

Бизнес-форумда икки мамлакат компания ва ташкилотлари ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлиқни кенгайтириш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, товарлар етказиб бериш

ва хизмат кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди. Умумий қиймати 12 миллиард доллардан зиёд бўлган битим ва келишувларга эришилгани қайд этилди. Улар энергетика, нефть-газ, кимё, тоғ-кон, машинасозлик ва электр техникаси, транспорт ва логистика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, инфратузилмалар, ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли тиббиёт каби устувор йўналишларни қамраб олган.

«Ангрен» эркин иқтисодий зонасини «Инчхон» эркин иқтисодий зонаси бошқарувида бериш, «Бўстонлиқ-фарм» ҳудудига энг зарур дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича келишувлар алоҳида эътиборлидир.

Давлатимиз раҳбари Жанубий Корея ишбилармонларини мамлакатимиз иқтисодиётидаги янги имкониятлардан фаол фойдаланишга чақирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин рафиқалари билан бирга икки мамлакат санъат усталарининг концерт дастурида иштирок этди.

Олий мартабали меҳмон шарафига ташкил этилган ушбу концертда юртимиз санъаткорлари, корейс маданият маркази аъзолари ва Жанубий Кореядан келган ижодий гуруҳлар қатнашди.

Концертда ўзбек ва корейс миллий куй-қўшиқлари ижро этилди. Уларда халқларимиз ўртасидаги дўстлик, маданий ҳамкорлик яна бир бор намоён бўлди.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари



Ташкент шаҳри

Такдимот

Мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўра Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида мустақил юридик шахс сифатида фаолият юритувчи «Зиё» медиа маркази иш бошлади.



«Зиё»дан дунёга назар

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ўтказилган такдимот маросимида медиа марказнинг янги раҳбарияти, янгилашган жамоа таркиби таништирилиб, унинг рамзи, тарғибот роликлари муҳокама этилди.

Янги марказ юртимизда диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, аждоқларимизнинг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бой диний-илмий меросини кенг тарғиб қилишни мақсад қилиб қўйган.

«Зиё» медиа маркази ҳодимларига Ўзбекистон миллий телерадиокорпорациясида жорий этилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ қилинаётгани профессионал мутахассисларни ишга жалб этиш борасида янги имкониятлар эшигини очиши таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, марказда замонавий телевизион ва овоз ёзиш ускуналари билан жиҳозланган те-

лестудия ҳамда овоз ёзиш студиясини ташкил этиш учун зарур маблағ ажратиши режалаштирилади.

Такдимотда Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси ўринбосари шайх Абдулазиз Мансур, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори, профессор Шухрат Ёвқочев ва бошқалар ўз таклиф ҳамда фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«ISHONCH»

Аукцион савдолари хабарномаси

«Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдоларига «Ўзбектелеком» акциядорлик жамияти Бухоро вилояти филиалининг 2019 йил 9 апрелдаги 45-01-21/770-сонли буюртма-хатига асосан филиал ҳисобидаги қуйдаги бино ва иншоотлар чиқаришмоқда:

1-ЛОТ. Ромитан тумани «Шўрча» ҚФЙ Кокиштун қишлоғида жойлашган, умумий майдони 66,8 кв.метр, қурилиш ости майдони 66,8 кв.метрдан иборат Э.Хўжаев номли КТС биноси. Бошланғич баҳоси — 16 169 300 сўм.

2-ЛОТ. Ромитан тумани «Ромитан» ҚФЙ Қалай Чорбоғ қишлоғида жойлашган, умумий майдони 94,05 кв.метр, қурилиш ости майдони 94,05 кв.метрдан иборат «Қалай Чорбоғ» КТС биноси. Бошланғич баҳоси — 9 602 700 сўм.

3-ЛОТ. Олот тумани «Пахтакор» ҚФЙ Баёт қишлоғида жойлашган, умумий майдони 94,13 кв.метр, қурилиш ости майдони 94,13 кв.метрдан иборат Навоий номли КТС биноси. Бошланғич баҳоси — 16 712 800 сўм.

4-ЛОТ. Олот тумани «Жумабозор» ҚФЙ Мухтор қишлоғида жойлашган, умумий майдони 65,5 кв.метр, қурилиш ости майдони 65,5 кв.метрдан иборат Ф.Хўжаев номли КТС биноси. Бошланғич баҳоси — 10 361 100 сўм.

5-ЛОТ. Олот тумани «Баҳористон» ҚФЙ Ўзбекистон қишлоғида жойлашган, умумий майдони 181,5 кв.метр, қурилиш ости майдони 181,5 кв.метрдан иборат «Бухоро» КТС биноси. Бошланғич баҳоси — 31 831 300 сўм.

6-ЛОТ. Олот тумани «Қирлишон» ҚФЙ

«Олот» аҳоли пунктида жойлашган, умумий майдони 90,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 90,0 кв.метрдан иборат «Олот» КТС биноси. Бошланғич баҳоси — 15 797 500 сўм.

7-ЛОТ. Олот тумани «Денов» ҚФЙ Давлатбой қишлоғида жойлашган, умумий майдони 39,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 39,0 кв.метрдан иборат «Пахтакор» КТС биноси. Бошланғич баҳоси — 6 748 900 сўм.

8-ЛОТ. Қорақўл тумани «Жигачи» ҚФЙ Жигачи қишлоғида жойлашган, умумий майдони 198,88 кв.метр, қурилиш ости майдони 198,88 кв.метрдан иборат «Бухоро» КТС биноси. Бошланғич баҳоси — 48 842 800 сўм.

9-ЛОТ. Қорақўл тумани «Караун» ҚФЙ Ижтимоий қишлоғида жойлашган, умумий майдони 204,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 204,0 кв.метрдан иборат «Ўзбекистон» КТС биноси. Бошланғич баҳоси — 40 446 700 сўм.

Очик аукцион савдолари 2019 йил 21 май кунини соат 11:00 да Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

2019 йил 21 май кунини аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда ЛОТ бўйича 2019 йил 28 май ҳамда 4 июнь кунлари такрорий аукцион савдолари ташкил қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истигадиги талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадиги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан

Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадиги бўлган талабгорлардан:

— «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилган закатал пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закатал пуллари тўлашлари;

— жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

— юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закатал тўлови учун реквизитлар: «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 302118823, МФО: 00111, «Турон банк» АТБнинг Бухоро вилояти филиали, х/р: 20208000704953182001.

«Аукцион ташкилотчиси» — «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават). **Тел.:** (+998 90) 298-92-61. **E-mail:** mauzatak@mail.ru

Лицензия № RR-0117

Хабарингиз борми?

Бу йил олий таълим муассасасига қабул имтиҳонларида бир қатор янгиликлар кутилмоқда. Миллий матбуот марказида Катлат тест маркази мутахассислари тест топшириқлари ба-засини шакллантиришда тайёргарлик масалалари бўйича ўзгаришлардан хабар берди.

Олий таълим имтиҳонлари:

Қандай ўзгаришлар бор?

ЭКСПЕРТЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Тест топшириқлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг умумтаълим фанлари ўқув дастурларига асосланган ҳолда тузилди.

Вакolatли давлат органлари томонидан жорий йилда фойдаланишга тавсия этилган ва тест топшириқларини тузишга асос бўлиб хизмат қиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати 2018 йил октябр ойида ДТМ расмий веб-сайтида эълон қилинган эди. Айни вақтда 140 нафар мутахассисдан иборат халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим ва Фанлар академияси тизимларидан экспертлар гуруҳи тасдиқланди.

АМАЛИЁТ СИНОВИДАН ЎТКАЗИЛДИ

Талаблар кодификатори ва тест топшириқлари тафсилотлари асосида янги тест топшириқларидан иборат намунавий вариантлар шакллантирилиб, 2018 йил ноябрь ва 2019 йил январь ойларида апробация (амалиёт синови)дан ўтказилди. Апробация жараёнида умумий ўрта таълим муассасалари ва академик лицейларнинг 2 минг нафарга яқин битирувчилари иштирок этди. Унда тест топшириқларининг ишончилиги, сифати, муқобил жавобларнинг ишлаши, мураккаблик даражасининг тўғри танланганлиги ўрганилди. Ушбу натижаларга мувофиқ, тест топшириқлари базасини шакллантириш ишлари олиб боришмоқда.

ЯНГИЧА ИФОДАЛАР

Тест топшириқлари базасини шакллантиришда умумтаълим фанлари ўқув дастурлари бўлимининг тўлиқ қамраб олинishi ва аби-

туриентлар билими, кўникмаси ва мантиқий фикрлаш қобилиятини баҳолай оладиган тест топшириқларини тузишга эътибор қаратилмоқда.

Тест топшириқларида график, ёзувсиз карта, расмларнинг қўлланилиши, адабиёт фанидан таълим масканлари ўқув дастурига киритилган бадий асарлардан айримларини тўлиқ ўқиш тавсия этилиши, ўлчам бирликларининг янгича ифодаланилишининг жорий этилиши тест топшириқлари базасини шакллантиришда жорий йилдаги янгиликлардан саналади.

Яна бир муҳим янгилик, бу адабиёт фанидан таълим муассасалари ўқув дастурига киритилган бадий асарлардан айримларини, хусусан, «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Абулфайзон», «Шум бола», «Мирзо Улуғбек», «Юлдузлар мангу ёнади», «Юлдузлар тунлар», «Дунёнинг ишлари», «Рухлар исёни», «Сохибқирон» асарларини тўлиқ ўқиш тавсия этилганидир.

«АХБОРОТНОМА» ВА НАМУНАВИЙ ТЕСТЛАР

Абитуриентларга амалий ердан кўрсатиш мақсадида 2018 йил декабрь ойида тест топшириқлари акс эттирилган «Ахборотнома» нинг махсус сони (4/1 ва 4/2-сон) чоп этилган. Ундан ҳар битта фан бўйича 120 тадан рус ва ўзбек тилларида тест топшириқлари жой олган. Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида ҳар бир фандан намунавий тест топшириқлари эълон қилинган.

Тадбирда қабул имтиҳонларидаги ўзгаришларни абитуриентлар мунтазам кузатиб бориши тавсия этилди.

Озода РЎЗИҚУЛОВА,
«ISHONCH»

Эълон



Таълим тизими жаҳон миқёсида эътироф этиладиган давлатлардан бири – Жанубий Корея бўлиб, алоҳида эътибор самараси ўлароқ, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам ушбу мамлакат етакчилар сафида туради. Бу эса, ўз навбатида, Жанубий Корея иқтисодий-ётининг юқори суръатларда ривожланишини таъминламоқда.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
Мактабгача таълим тизими Жанубий Кореяда уч босқичдир:
1. Бошланғич гуруҳ;

Ҳикмат

**Илмдан бир шуъла дилга тушган он,
Шунда билурсанким, илм бепоён.**

Абулқосим ФИРДАВСИЙ



Вероника ПАК
1988 йилда Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманида туғилган. Тошкент иқтисодий-саноатчиларнинг хотин-қизлар коллежини тамомлаган. Шеърлар ёзди.

ИМКОН (Йўлдан адашганларга)

Дилнинг ўртадаи босганича ҳам, Ватанинг олдида нечун бошинг ҳам. Нечун ҳар иккала кўларингда нам, Юрак-бағринг тўла дард ҳамда алам?

Ўзингга берасан тинмасдан савол, Нимага ёш умрим бўлди, деб хазон, Жавобин топасан бўлиб бир аҳвол, Кўзингдан ёш эмас оққанида қон.

Қанийди берилса бир бора имкон, Қайта туғилсам-у, очсам кўзимни. «Ватанинг юзига босмасдим оёқ, Ҳеч қачон қилмасдан абгор ўзимни».

Азиз бу муқаддас Ватанда инсон, Кечиргувчи буюк Юртбошимиз бор. Ўзликка қайтишга туғилди имкон, Бошлагил ҳаётни янгидан такрор.



Сирдарё вилояти

Мутолаага ўзгача ёндашув



Гулистон шаҳри марказида яна бир замонавий китоб дўкони иш бошлади. «Book kafe» дея ном олган дўконнинг ўзига хослиги шундаки, бу ерда китоб харид қилиш, мутолаа давомида қаҳфа ёки салқин ичимликлар истеъмол қилиш мумкин.

Ушбу зиё маскани очилиш тантанасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлиги раҳбари Комил Алламжонов, вилоят ҳокими Ғофиржон Мирзаев сўзга чиқди. Китоблар нашриётлар билан тузилган шартнома асосида келтирилиши ҳисобида нархлар арзонлиги таъминланган. Айни пайтда ўн минг нусхадаги китоблар савдога қўйилган.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Фотолава



Биз билган ва билмаган Жанубий Корея

номасини олиш лозим бўлади.

1 март Корея Республикасида давлат байрами ҳисоблангани учун ўқув-йили 2 мартдан бошланади. 6 йил давом этадиган бошланғич таълим мажбурий этиб белгиланган. Бошланғич таълимда бир йил икки семестрга бўлинган ҳолда олиб борилади.

ЎРТА ТАЪЛИМ

Ўрта таълим 3 йил давом этади. У ҳам мажбурий мақомга эга бўлиб, бир ўқув йили 1 мартдан кейинги йил март ойига қадар давом этади. Дарслар 45 дақиқадан этиб белгиланган ва бир йилда жами 1222 соатни ташкил этади. Ўрта таълим мактабларида

таблар ўқитиш фанларига кўра ҳам бир қанча турларга бўлинади: умумий мактаблар, ихтисослаштирилган мактаблар, техника мактаблари, чет тили мактаби, жисмоний тарбия мактаби, санъат мактаблари. Корея Республикасида Таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашгандир.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Жанубий Кореяда олий таълим дунёнинг бошқа давлатларидан фарқ қилмаган ҳолда уч босқичдан иборат шаклда олиб борилади.

Бакалаврият: уч йил. Тиббиёт соҳасида олти йил.

Магистратура: уч-тўрт йил. Сўнг талаба диссертация ҳимоя қилади. Тиббиёт йўналишидагилар давлат имтиҳони топширадилар.

Докторантура: тўрт йил.

Энг муҳим жиҳатлардан бири, Жанубий Корея талабалари аҳоли сонига нисбатан юқорилиги бўйича дунёда пешқадамлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг олий таълимдаги ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда. Кўплаб ёшларимиз Жанубий Кореяда таълим олмақда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг бир неча университети филиаллари очилган.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятининг юксалишига, пировардида, янада тараққий этишига хизмат қилади.

Саодат ПАХРИДДИНОВА,
педагог

Ўзлик ёғдулари

БИЗГА ЙЎЛ КЎРСАТГАН КАШФИЁТ

ёхуд китоб туфайли очунни таниганмиз

Илгари барчамизнинг умр йўлимиз, кечмишимиз айтарли бир хил эди. Зулмат чулғанган ўзгармас, турғун оламда яшардик. Ўй-хаёлларимиз ҳам бир тусда эди.

Аммо кейинчалик бу яқранг-ликка дахл етди. Қалбимизда ўзимизни, теварғимизни, қолаверса, бутун оламни, ўрганиш, би-лиш, ўзгартириш, бу ҳам етмагандек, буни бошқаларга ўргатиш, ўқти-риш иштиёқи туғилди. Сал ўтмай, фикрларимиз, қарашларимизни те-варакка ёйиш, руҳиятимиз, кайфи-ятимизни бошқаларга сингдириш, уларни абадиятга муҳрлаш йўл-ларини ахтардик. Излаб-излаб, бунинг энг мақбул йўлини кашф этдик.

Бу бизнинг энг улуг топилмамиз эди. Ҳар биримиз ўзимизга мос, ўзи-мизга хос фикрлай бошладик. Шу чексиз, сирли очунни ўзимизча қўр-дик, ўз нигоҳимиз билан қарашга киришдик. Бизда борлиққа, ҳаётга,

воқеликка муносабат шаклланди.

Хўш, мени «Мен»га, сени «Сен»га, уни «У»га айлантирган ўша дунёқа-раш, ўша муносабат қачон пайдо бўлди? Қай тахлит пайдо бўлди? Нима учун пайдо бўлди?

Ўйлаб-ўйлаб, шу тўхтамга келаве-раман: бизнинг энг буюк кашфимиз бўлмиш китоб, ҳа, айнан китоб ўқи-лаётган чоғда, китоб ўқиш орқали, китоб ўқилгани учун.

Айнан шу бир тўп қоғоз-у жи-вир-живир ёзувлардан иборат буюмни ўйлаб топиб, сўнг шу содда ихтиромимизга мафтун бўлди-у, бар-чамизни, ҳар биримизни тамоман бошқа-бошқа кишиларга айлантир-дик-қўйдик.

Энди ўй-ташвишларимиз ҳам,

фёъл-атворимиз ҳам, аъмол-у масла-гимиз ҳам айрича бўлди. Одам бо-лалари бир-бирдан ўзгачалик касб этди. Энди дунёмиз бутунлай ўзгариб кетди.

Биз эндиликда бошқалардан кўра кўпроқ ўзимизни англай бошладик. Нима учун ўзимизни англашимиз кераклигини англадик. Шунда қал-бимиз ҳам, атрофимиз ҳам, дунёмиз ҳам нурга тўлди. Қоғоз уюмидан тар-алган шуъла секин-аста бутун бор-лиқни тутди.

Кўзлари бу нурдан қамашган Одам болаларининг йўли бир-би-ридан айро тушди. Мақсадлар, ни-ятлар хослашди, муайянлашди. Бироқ бу узлуксиз жараёнда ин-сон зоти парчаланган шиса си-ниқлари каби ҳар ёққа сочилиб, йитиб кетгани йўқ. Китобнинг асл муҳиблари тимсолида мана минг йиллардирки, одамзод ўзининг ас-лида бир вужуд эканлигини анг-

лаб, қайта бирлашмоқда. Чунки чин китобхонлар аслида мутолаа-нинг автомобиль ёки бошқа бирон қимматбаҳо буюм ютиш воситаси эмаслигини, китоб ўқиш, китоб-дан муассир бўлиш соврин-у му-кофотларга эришиш, доврўқ қозо-ниш йўли эмаслигини жуда яхши билишади. Унга – мен-у сен, биз-у сиз битикка ўзимиз ҳам тушунти-риб беролмайдиган ноаён ҳислар, вулқон лавасидек қайноқ иштиёқ, обиҳаёт мисол беадад эҳтиёж боис меҳр-муҳаббат қўйганмиз. Айни шу сабаб Лев Толстой айтганидек, ҳар кунни дунёнинг энг буюк до-нишмандлари билан суҳбат қуриш аллақачон борлиғимизга, ҳаёти-миз мазмунига айланиб улгурган.

Биз шу тариқа ўзимизни ўзгар-тирдик ва китобсиз дунёдан воз кечдик.

Рустам ИБРОҲИМОВ,
«ISHONCH»

ЭЪЛОН

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томони-дан Янгийўл тумани «Ифтихор» маҳалласи, Гулзор кўчаси 3-уй учун Юлдашева Ирина Рихси-тиловна номига берилган ўй-нинг барча кадастр ҳужжатлари ҳамда уй дафтери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бибигул МУРТАЗАЕВА,
«ISHONCH-DOVERIE»

Таълим, фан ва мада-ният ходимлари касаба уюшмаси Ёзёвон тумани кенгаши раиси Иқболжон Хусановга падари бузрук-вори

Ўқтамжон ота
ХУСАНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билди-ради.

Ҳизомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва касаба уюшма кўмитаси университетнинг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Барно Абдуллаевага падари буз-руквори

Сайфиддин ота
АБДУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билди-ради.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обхона – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЗ: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навобий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Муҳаррир:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Х. Абдужалилов

ЎЗА яқини – 01:15
Топширилди – 04:00

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табак,
Буюртма Ғ – 417.

30112 нускада босилди.
Навр кўрсаткичи: 133